

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Х У К М

2025 йил декабрь ойининг 22 кунида жиноят ишлари бўйича Қорақўл тумани суди ўзи биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи туман суди раиси Б.Ачилов, судья ёрдамчиси С.Нурқуловнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Қорақўл туман прокурори ёрдамчиси Н.Амонов, судланувчи Т.Янгибоев, жабрланувчи Р.Бегандикованинг иштирокида судланувчи Янгибоев Турғунбой Умиджон ўғлига нисбатан 1-2008-2501/192-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра;

2001 йил 6 декабрь куни Қорақўл туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, бир нафар фарзанди бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича Қорақўл туман судининг 2024 йил 13-февралдаги ҳукми билан ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан ЖК 57-моддасини қўллаб 4-йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган, 2 йил 2 ой 4 кун жазоси ўталмаган, якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланади, Қорақўл тумани “Мироб” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи, “муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси ўз вақтида олган, судланувчи Янгибоев Турғунбой Умиджон ўғли (YANGIBOYEV TURG'UNBOY UMIDJON O'G'LI)

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 126¹-моддаси 3-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара, жабрланувчининг талабини, ҳамда судланувчининг ҳимоя ва охириги сўзларини эшитиб, ишда мавжуд далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Т.Янгибоев қасдан жиноят содир қилиш йўлига ўтиб, спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда, 2025 йил 31 октябрь тахминан соат 13:00 ларда Қорақўл тумани “Мироб” маҳалласида жойлашган яшаш хонадонидида ўзи билан бир рўзғор асосида яшаб келаётган турмуш ўртоғи Р.Бегандикова билан ўзаро жанжаллашиб қолиб, жанжал вақтида қўл ва оёқлари билан Р.Бегандикованинг танасининг турли қисmlарига уриб-дўппослаб, суд тиббий экспертизасининг 2025 йил 5 ноябрь кунидаги 379Т-сонли хулосасига кўра, унга “бош мия чайқалиши билан давом этган пешона, ўнг ва чап кўз қовоқ, юзини иккала томони, пастки жағ ияк соҳаси, кўкрак кафаси олд юзасидаги, ўнг елка, чап ва ўнг сон соҳаларидаги конталашлари” каби соғлиғининг бузилишига сабабчи бўлган енгил шикаст етказган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи Т.Янгибоев айбига иқрорлик билдириб, 2021 йилда Бегандикова Рўзижон билан турмуш қургани, уларнинг бир нафар фарзанди борлигини, турмуш ўртоғи билан ўртасида турли сабабларга кўра, доимий келишмовчилик бўлиб келганлигини, 2025 йил 31 октябрь куни соат тахминан 13-00 ларда чўл худудида кунлик



ишлаб уйига келгани, уйнинг деразасидан қараганида, турмуш ўртоғи ва қизи Шарофат уйда бўлгани, турмуш ўртоғига қизи Шарофатни унга беришини сўраганлигини, у қизини бергани, қизини кўтариб олиб ўйнатётган вақтида, турмуш ўртоғи унга қизини ухлатмоқчи эканлигини айтгани, шунда уни турмуш ўртоғининг гапларидан жаҳли чиқиб, қизини унга бермагани ва уйнинг эшигидан айланиб бориб, турмуш ўртоғини танасининг турли қисмларига уриб дўппослаганлигини, шу пайт уларнинг жанжалини кўрган қизим йиғлаб юборганлигини, шундан сўнг у уйдан чиқиб кетганлигини, соат тахминан 19-00 ларда уйга қайтиб келганида, турмуш ўртоғида бир неча кўқарган жароҳатлари борлигини кўриб, уни тиббиёт бирлашмасига олиб боришни айтганида, у ҳеч қаерга бормаслигини айтгани, кейинги кун уйга қайнопаси келиб, турмуш ўртоғини тиббиёт бирлашмасига олиб кетганлигини, айбига иқрорлигини, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини инобатга олиб қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи Р.Бегандикова ҳақиқатдан ҳам 2021 йилда Т.Янгибоев билан турмуш қуриб, у билан бир рўзгор асосида яшаб келганликларини, уларнинг бир нафар фарзанди борлигини, турмуш ўртоғи доимий равишда спиртли ичимлик истеъмол қилиб келганлиги сабабли ўрталарида доимий келишмовчилик бўлиб келганлигини, 2025 йил 31 октябрь куни соат тахминан 13-00 ларда турмуш ўртоғи ишдан уйга қайтгани, у уйнинг деразасидан қараб фарзанди Шарофатни беришини сўрагани, унга қизини деразадан бергани, шу пайт турмуш ўртоғининг ҳаракатларидан ва гап сўзларидан унинг маст ҳолатда эканлигини сезгани, шу учун турмуш ўртоғига қизини қайтариб беришини, уни ухлатмоқчи эканлигини айтганлигини, турмуш ўртоғи эса маст бўлганлиги сабабли қизини кўлига бериб, уйнинг эшигидан айланиб кириб, уни ҳақорат қилиб, ҳеч бир сабабсиз танасининг турли соҳаларига қўл ва оёқлари билан уриб-дўппослаб кетганлигини, унга қаршилик кўрсатишга кучи етмагани, бу ҳолатни қизи кўриб қаттиқ кўрқиб, тинмасдан йиғлагани, турмуш ўртоғи уни шу куни соат тахминан 19-00 ларгача тинмасдан калтаклаганлигини, унинг соғлиги аҳволи оғирлашиб қолган бўлсада, турмуш ўртоғи уни тиббиёт бирлашмасига олиб бормаганлигини, шундан сўнг 2025 йил 1 ноябрь куни соат тахминан 11-30 ларда соғлиги аҳволи оғирлашганлиги сабабли, турмуш ўртоғига соғлиги ёмонлашганлигини, опасини олиб келишини уни кўриб қўйишини сўрагани, турмуш ўртоғи эса опаси Ўғилойни уйга олиб келгани, опаси уни аҳволини кўриб, тез тиббиёт ёрдамни чақириб уни туман тиббиёт бирлашмасига олиб борганлигини, у тиббиёт бирлашмасида касалхонада ётиб бир неча кун давомида даволанганлигини, турмуш ўртоғи Т.Янгибоев билан бундан олдин ҳам оилавий келишмовчиликлар бўлганлигини, у турмуш ўртоғини кечира олмаслигини, турмуш ўртоғини бундан олдин ҳам бир неча маротаба уни уриб тан жароҳат етказганлиги учун кечирганидан тўғри хулоса чиқармаганлигини, ҳозирда турмуш ўртоғига нисбатан давоси борлигини, у даволаниш харажатларини ҳам қоплаб бермаганлигини, унга нисбатан оғирроқ жазо тайинлашни сўраб кўрсатув берди.



Суд мажлисида ўз розилиги билан сўроқ қилинган гувоҳ С.Ҳасанова ўғли Янгибоев Турғунбойни 2021 йилда Р.Бегандикова билан турмуш қурганликларини, уларнинг бир нафар фарзанди борлигини, ўғли ва келини ўртасида турли сабабларга кўра, доимий келишмовчилик бўлиб келганлигини, 2025 йил 1 ноябрь куни Қоровулбозор туманида пахта теримида бўлган вақтида, соат тахминан 12-00 ларда ўғли унга қўнғирок қилиб, келини билан жанжаллашганлигини ва уни уриб тан жароҳати етказганлигини, келини тиббиёт бирлашмасига тушганлигини билдиргани, шунда у Қоракўл туманига етиб келиб тиббиёт бирлашмасига боргани, келини турли тан жароҳатлари олган бўлганлигини, бундан олдин ҳам ўғли ва келини ўртасида бир неча мартаба жанжал қилган, ўғли келинини уриб дўппослаганлиги сабабли ўғлим маъмурий жавобгарликка ҳам тортилганлигини билдириб кўрсатув берди.

Суд, судланувчи Т.Янгибоевнинг айби, унинг ўз айбига иқrorлик билдириб берган кўрсатуvidан ташқари, суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчининг кўрсатувлари, шунингдек 2025 йил 1 ноябрь кунидаги хабарнома (и.в.4), жабрланувчи Р.Бегандикованинг аризаси (и.в 5), 2025 йил 1-ноябрь кунидаги ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар (и.в 10-15), 2025 йил 5 ноябрь кунидаги РСТЭИАМ Бухоро филиали Қоракўл туман пунктининг 379Т сонли хулосаси (20-22) ҳамда жиноят иши ҳужжатларида тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тасдиқланган деб ҳисоблайди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Т.Янгибоевнинг жинoий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 126¹-моддаси 3-қисми билан тўғри малакаланган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Т.Янгибоевнинг ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 55-моддасида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб, унинг спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда жиноят содир қилганлигини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Т.Янгибоевга нисбатан жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилиб, бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Пленум қарорида берилган тушунтиришларга риоя қилиб, судлар жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига риоя қилишлари лозимлиги тўғрисидаги талабларига амал қилган ҳолда, жазони оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларни, судланувчи томонидан ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир қилинган бўлсада, судланувчи Т.Янгибоевнинг қилмишининг ижтимоий хавфлилик даражасини, уни сабаблари, жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси борлигини инобатга олиб, унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинламасдан тузалиш йўлига ўтиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги хулосага келиб, унга у айбланган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 126¹-моддаси 3-қисми санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум



қилиш жазоси тайинлашни, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 61,60-моддалари тартибида Жиноят ишлари бўйича Қоракўл туман судининг 2024 йил 13 февралдаги ҳукмига билан тайинланган жазонинг ўталмай қолган қисми мазкур ҳукм билан тайинланган жазога қисман қўшиш йўли билан Т.Янгибоевга узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни лозим топди.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465 ва 471-моддаларига амал қилиб, суд ҳукм қилади:

Ҳ У К М

Янгибоев Турғунбой Умиджон ўғли (YANGIBOYEV TURG'UNBOY UMIDJON O'G'LI) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 126¹-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Янгибоев Турғунбой Умиджон ўғли Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 126¹-моддаси 3-қисми билан 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 61,60-моддалари тартибида жиноят ишлари бўйича Қоракўл туман судининг 2024 йил 13-февралдаги ҳукмига билан тайинланган жазонинг ўталмай қолган қисмига мазкур ҳукм билан тайинланган жазога қисман қўшиш йўли билан ҳукмлар мажмуи бўйича Т.Янгибоевга узил-кесил 2 (икки) йил 3 (уч) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлан жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазо манзил тартибли колонияларда ўтаттирилсин.

Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ муддати 2025 йил 22 декабрь кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Т.Янгибоевга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилиниб, у дарҳол суд залидан қамоққа олинсин ҳамда сақлаш учун Бухоро вилоят 4-сонли тергов хибсхонасига жойлаштирилсин.

Жиноят иши бўйича жабрланувчи Р.Бегандикованинг судланувчига нисбатан бўлган моддий ва маънавий даъволари бўйича фуқаролик судига муурожаат қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ўн кун ичида, судланувчи ва жабрланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб шу муддат ичида Бухоро вилоят суди апелляция судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач эса кассация тартибида шикоят бериш, прокурор эса протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

(имзо)

Б.Ачилов

Нусхаси аслига тўғри _____

